



## XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «5» август

VI-33-63-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

### **“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитиш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида**

“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касб-хунарга ва тадбиркорликка ўқитиш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари З.Хидированинг ҳисоботи халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилишида эшитилганлигини ва билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилиши 2021 йил 7 июль куни ZOOM дастури орқали ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари - Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Ф.Таиров “Аёллар дафтари”нинг II босқичини юритиш ҳамда “дафтар”га киритиладиган аёлларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича шаҳар ва туманларда амалга ошириладиган ишларни ташкил этувчи вилоят ишчи гуруҳи ва бошқа масъул бошқарма ҳамда ташкилотларга “Аёллар дафтари”нинг II босқичини Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги 250-сонли қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича вақтинчалик тартибга асосан иш юритиш белгилаб қўйилсин.

3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Маманов, вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Орипов), вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Э.Авазов), вилоят Инвеститциялар ва ташқи савдо бошқармаси (С.Худойбердиев) янги лойиҳаларни ташкил этиш ва корхоналар фаолиятини қайта тиклаш орқали аёллар учун иш ўринларини яратиш бўйича тизимли ишларни амалга оширсин.

4. Савдо-саноат палатаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси (А.Менглиев),

“Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармонлар ассоциацияси вилоят бўлими (О.Шарафитдинова), Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази вилоят бўлими (Н.Юсупова), “Хунармандлар” уюшмаси (М.Жўраева) “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг ўқув курсларини йўлга қўйиш, тадбиркорлик лойиҳаларини тузишга кўмаклашсин.

5. АТ “Халқ банки” вилоят филиали (Ш.Худаяров)га тадбиркорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун кредит олиш истагида бўлган хотин-қизларга ўз муддатларида кредитларни ажратиш тавсия этилсин.

6. Вилоят Бандлик бош бошқармаси (С.Жумаев), вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари З.Хидирова корхона, ташкилот ва муассасалардаги бўш иш ўринлари ҳисобига аёллар бандлигини таъминлаш бўйича барча зарур чораларни кўрсин.

7. Вилоят Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши (У.Бобоқулов), вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари З.Хидирова тижорат банклари билан ҳамкорликда “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг томорқадан самарали фойдаланишини ташкил этиш орқали бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Вилоят Ташқи меҳнат миграцияси бўлими (Р.Ҳамроев), вилоят Бандлик бош бошқармаси бошлиғи (С.Жумаев) биргаликда ташкиллаштирилган меҳнат миграцияси орқали аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича барча зарур чораларни кўрсин.

9. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Маманов, вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Хурсанов) “Аёллар дафтари”га киритилган аёлларни қўллаб-қувватлаш учун маблағ шакллантириш ҳамда аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишларни амалга оширсин.

10. Вилоят Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси (А.Аҳмедов), вилоят Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари З.Хидирова муаммо ва таклифлари ҳал этилган “Аёллар дафтари”га киритилган аёлларнинг таҳлилини юритсин ва бу бўйича вилоят ҳокимлигига таклиф киритиб борсин.

11. Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (З.Тўраев), вилоят телерадиокомпанияси (Б.Мингбоев), “Ишонч” телевидениеси (А.Қодиров), вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси (Я.Худойқулов), “Сурхон тонги” ва “Заря Сурхана” газеталари бирлашган таҳририяти (С.Норқобилов)га аёлларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишларни оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ҳамда маҳаллий газеталар орқали кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Юқорида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ҳар чорак якунида тегишли мансабдор шахслар томонидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ахборот киритиб

борсин.

13. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (Ш.Холлиева) зиммасига юклатилсин.

14. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

**Кенгаш раиси**



**Bobolov T.A.**